

## Рум жангининг бошланиши



14:48 / 22.02.2024 2527

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху Рум ерларини фатҳ қилишни ирода этдилар. Ҳамма тайёргарликлар кўрилиб бўлгач, Рум фатҳига бирин-кетин лашкар жўната бошладилар.

Холид ибн Саъид бошлиқ лашкарни Шом остоналарига, Амр ибн Ос бошлиқ лашкарни Фаластинга, Шураҳбил ибн Ҳасана бошлиқ лашкарни Урдунга, Язид ибн Абу Суфён бошлиқ лашкарни Балқо томонга, Абу Убайда ибн Жарроҳ бошлиқ лашкарни Ҳимс томонга юбордилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху ҳар бир лашкарни кузатгани пиёда юриб чиқар, уларга дунё ва охиратларига фойдали бўлган насиҳатларни қилар эдилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу юборган лашкар Шом ўлкасига етиб борди.

Бу хабар Рум подшоҳи Ҳирақлга етганида, у ўз халқига мусулмонлар билан сулҳ тузишни таклиф қилди. Улар бош тортишди. Кейин румликлар ниҳоятда кўп сонли лашкар тўплашди.

Амр ибн Оснинг таклифига биноан, лашкарбошилар тўпланиб маслаҳат қилдилар ва Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга хабар йўлладилар. У киши уларга **«Сизга ўхшаганлар озлиги учун эмас, гуноҳлари учун мағлуб бўладилар. Гуноҳлардан сақланинглар»** деган хабарни юбордилар.

**«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.*